



Етук мутахассислар маскани

Яқинда Андижон пахтачилик институтида «М-4030» типдаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлашни муваффақиятли равишда йўлга қўйилди. Натияжада студентлар, аспирантлар, ўқитувчилар электроника хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўдилар. Чунки, диплом ва курс ишларини ёзишда, яъни тадқиқот ишлари олиб боришда ҳисоблар ҳаёт тўғрисида ва конкрет бўлишида унинг аҳамияти катта бўлади.

Институтдаги ўқитиш ишларида электроникадан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш студентларнинг ўқув-методик базасини яхшилаш, уларнинг янада пухта билим эгаллашлари йўлида қўрилган тадбирларнинг бир қисми.

Мамлакатда пахтачиликка яхтисослашган ягона бу олий билим масканида уч минг нафардан ортиқ турли миллат фарзандлари таҳсил кўрмоқдалар ва етук мутахассислар бўлиб етишмоқдалар.

Кейинги йилларда институт фаолиятида катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса СССР Олий Советига бўлидиган сайловлар оралиғида анчагина ишлар амалга оширилди. Жумладан, олий ўқув юртининг ҳамма томондан қулай янги кўркам биноси қад қўтарди, 1200 кишилик акт зал қурилди, замонавий ўқувхона билан жиҳозланган ўқув-лаборатория базаси тўғрили, минг ўрилди ётоқхона, спорт комплекси барпо этилди ва бошқа зарур объектлар вужудга келди. Бу эса институтда ўқитиш-ўқитиш ишларининг юксак савияда бўлишига катта ёрдам бермоқда.

Бу йил институт ташкил этилганлигининг йигирма йиллиги нишонланади. Ана шу муҳдат ичида олий ўқув юртида 7000 дан ортиқ мутахассис тайёрланди. Улар республиканинг ва мамлакатимизнинг турли ерларидаги ҳалқ хўжалиги тармоқларида фаол хизмат кўрсатмоқдалар. Суратларча: 1. Институт ўқув корпусининг янги биноси. 2. Химия бўйича ўқув-лаборатория кабинетиде студентларнинг машғулоти.

В. Ашулов фотоси (ЎзТАГ).



Чўлларни бўстонга айлантириб

Қашқадарё областининг чўл зонасида 1977 йили Усмон Юсупов району ташкил этилди. Дастлабки йили 30 минг гектар чўл ерлари ўзлаштирилди. 7 та пахтачилик совхозини тўғрилди. Ўша йили 22 минг гектар ерга чигит экилди, 19 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 46 минг тонна қўриқ дурдонаси сотилди. Орадан кўп ўтмай совхозлар сони тўққизтага етказилди.

Ҳа биринчи беш йилликнинг ўзак йилида она-Ватан оморларига 62785 тонна пахта етказиб берилди ва план 123,7 процент бажарилди. Бу пахтанинг 23508 тоннаси саноатининг учун қимматли хом ашё ҳисобланган янги қатлавлар пахтадан хирмон кўтарилди. Бултур ҳосилдорлик гектар бошига 29 центнерга кўтарилди.

Пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштириш билан бирга районда ободонлаштириш, кўламазорлаштириш ишлари дуруст олиб борилаётган. Ҳозир 18 та умум-

таълим, битта ҳунар-техника мактаби, 10 та болалар боғчаси, 13 кутубхона, 4 клуб, битта маданият уйи, 500 точкага эга бўлган АТС, озиқ-овқат, саноат моллари билан савдо қилувчи 44 магазин ишлаб турибди.

Аҳоли учун кўплаб уй-жой қуриб берилди. Қуриш кўлами йил сайин кенгайтирилади. Биргина ўтган йилнинг ўзида 9 минг квадрат метр уй-жой бунёд этилди. «Госкомсельхозтехника» району бирлашмаси ишчилари учун янги посёлка барпо қилинмоқда. Ҳозиргача 20 онла барча қулайликларга эга бўлган уйлар қуриб ўтди. Бу давр ичида район партия комитети билан Советлар уйининг уч қаватли бинолари фойдаланишга топширилди. Марказ атрофидаги қарийб уч ярим километри йўл асфальтланди.

Женон пахта тозалаш заводининг биринчи навбати

ишга туширилди, унинг иккинчи навбати қурилиши тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Корхона тўла ишга туширилганидан кейин йилига 60 минг тонна пахтани қайта ишлай олади.

Қўриқдаги кенжа районнинг экономикасини мустаҳкамлаш учун 35 миллион сўмлик иш бажарилади. Жумладан Ульянов номи, Калинин номи, Гафур Гулом номи совхозларда қорғачилик комплекслари билан бўрқоччилик хўжалиги қурилади.

Шу кунларда район марказида ва хўжаликларда ташкил этилган сайлов участкаларида СССР Олий Советига сайлов қизинг тайёргарлик қилинмоқда. Агитаторлар сайловчилар ўртасида турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишмоқда. Агитаторлар ҳамма сайловчилар билан гавжум бўлмоқда.

СССР Олий Советига бўлидиган сайлов кунини меҳнатда аjoyиб ютуқлар билан кўтиришга аҳд қилган район меҳнат аҳли кўламти экиш ишларига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Т. УНАБОВ,
М. ҚАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони»
мухбирлари.

мизда акушер-гинеколог Мамлада Назарова операциядан чиқиб пеллохондаги терини сиқиб турган экан.

— Бир аёлни операция йўли билан туғдиришга тўғри келди, — она ҳам, бола ҳам соғ.

Ҳар соғда икки-уч марта ер силкиниб турган пайтда операция қилинишни ўзи бўлмаса керак. Бу ҳақда Мамлада Назарова ҳеч нарса демасди, аммо Тўрқонисо Эшмуратова, Ҳасиди Пирматов, Ҳасиди Иброҳимов, Икболхон Мирзоалимов ва сингари аёлларнинг ўғил-қизли бўлиш-ганининг қувонч билан гапириш чоралари кўрилади.

Наманган сейсик станциясида бир гуруҳ тошкентлик олимлари учратди. Улар ичида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзо-си профессор А. Сўлтоқов, Сейсмология илмий тадқиқот институтининг директори ўринбосари С. Қосимов, комплекс экспедиция бошлиғи Э. Азизов бор. Улар бу ерда ер силкинишларини алоҳида қайд этиб ўрганишмоқда.

— Ер эне каттик силкиниши мумкинми? Йўқ, 18 февралдан кейин элига ҳолатига эътибор беришдан бўлмас, энди каттик силкинишлар бўлмаслиги керак, — дейди олимлар.

Наманган областида ҳамон ер тез-тез силкиниб турибди. Аммо бу тебранишларнинг кучи анча паст. Энг муҳими одамларнинг кайфиятида тушуклиқ аломати йўқ. Улар табиий офатлардан қўқинаш, ишарига ўз вақтида қатнашаётган. Партия, совет ташкилотлари раҳбарлари уй-жойлар, маданият-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш, элига оқибатларини тезроқ бартараф қилиш учун барча имкониятларини ишга солишмоқда.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбир.

СПОРТ ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЯКУНЛАНДИ

Югославиянинг Сараево шаҳрида қарийб икки ҳафта давом этган XIV қишки Олимпиада мусобақалари ниҳосига етди. Жаҳоннинг 49 мамлакатидан келган энг моҳир спортчилар чемпионлик учун астойдил курашдилар. Қаққонлик, чапдастик қўриқнинг сўғги кунини С. Хэмилтон (АҚШ) фигурали учми бўйича олтин медални бўлди. ГДР спортчиси К. Витти ғолиблик супасининг иккинчи погонасига кўтарилиб, кумуш медал олди. /Совет фигурчиси Кира Иванова Олимпиаданинг бронза медалини кўлга киритди. Чанги учми билан бир қаторда мергантикнинг ўрнига кўйинида совет биатлончилари маҳорат кўрсатдилар. 4х7,5 километрга ўтказилган эстафетали пойгада вакилларимиз маррада биринчи бўлиб, чемпионликка эришди. 20 километрга ўтказилган пойгада чангиимиз Раиса Сметанина ана бир кумуш медални бўлди. Мамлакатимизнинг қон-қонда учми усталиридан бири Игорь Малков 10 километрга масофада ғалаба қозонди. Хоккейчилар ўртасида ўтказилган ҳал қилувчи учрашувлар муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Барча ўйинларни мағлубиятсиз давом эттирган СССР терма командаси олтин медални учун сўғги учрашувни ЧССР хоккейчилари билан ўтказиб (2:0), муҳлисларни беҳад қувонтирди. ЧССР командаси Олимпиаданинг кумуш медалини кўлга киритди. Бронза медални тақдир Швеция — Канада командалари учрашувда (2:0) ҳал бўлди.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросими «Зетрав» спорт комплексида ўтказилди. Ўзига хос спорт байрамида муҳлисларнинг олқишларию, Олимпиада гумани савдолари остида мусобақа байроғи тантанали туширилди.

Олимпиада спортнинг қишки турларини равиолаштириш, ёшлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашнинг ўзига хос тисмонига айланди.

Баҳслар ва ғолиблар

— СУЗИШ. Москвада ўтказилган мамлакат қишки чемпионатида республикамиз вакиллари юқори натижа кўрсатдилар. Чунки, тошкентлик С. Заболотнов Европа рекордини янгилаган бўлса, унинг ҳамшари Л. Белокув 200 метрга брасца сузишда кумуш, 100 метри масофада (1 минут 10,42 секунд) олтин медални бўлди.

— БАСКЕТБОЛ. Тошкентнинг «Университет» командаси эркин олимпия лига коллективлари ўртасида биринчи марта бешинчи ўринни эгаллади. Вакилларимиз медаллар учун курашган қучли олти команда орасида муваффақиятли бахсланиб, 25 очко тўплашди.

— ФУТБОЛ. СССР кубоғи учун дастлабки учрашувлар ўтказилди: «Нистру» — «Нефтчи» 2:0, «Кузбасс» — «Зенит» 3:1. Бу билан фарғоналик ва жиззаслик футболчилар курашини давом эттириш имкониятини бой берди. «Пахтакор» дастлабки учрашувни Воронежнинг «Факел» командаси билан ўтказадиган бўлди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбир.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХУЖАЕВ.

РЕКЛАМА * ЗЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министригининг

ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984 йули йилига

Ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти юқори малакали сотувчи ва сотувчи контролёр-кассирларни икки йўналишда тайёрлайди: баққонлик, кондитерлик, гастрономия, гўшт-балиқ ва сут маҳсулотлари бўйича; галама, тикув буюмлари, пойабзал, трюкотам, галантерея, парфюмерия, маданият-маиший ва хўжалик моллари бўйича.

Ўқиш муҳдати — 1 йил.
Ўқиш группалар комплекслангандан сўнг бошла-
нади.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юртига Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиган 15 ёшдан 20 ёшгача бўлган ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар — 25 ёшгача) 8, 9, 10-синф ҳамда маълумотлилар иккинчи имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «Кичик сотувчи», «Сотувчи», «Сотувчи-контролёр-кассир» деган малака берилади.
Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқувчиларга 32 сўм ва 41 сўмдан стипендия берилади.
Ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳридаги илгор магазинларда: Бош универмаг — ГУМ, Марказий универмаг — ЦУМ, «Гастроном» республика конторасига қарашли Яриқ магазинлар ва «Универсам»ларда ўтказилади.
Назарий машғулотлар билан ишлаб чиқариш практикаси ҳар 3 кунда амалга.

Агар билим юртини битирувчилар ҳамма фанлардан аъло баҳога эга бўлиб, квалификацияси бўйича ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, бундай битирувчилар педагогика советининг қарорига мувофиқ билим юртини битириб, бир йўли олий ўқув юртининг кундузги бўлимига ўқишга кириш ҳуқуқига эга бўладилар (битирувчилардан 1% процент).

Билим юрти қошида кечки ўрта мактабининг 9, 10 ва 11 синфлари ишлайди. Бу синфларда ўқим кундузги соатларда ўтказилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади.
Билим юртига битирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори қўймага ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкиси, 3х4 см. қатталардаги 6 дона фотосурат, характеристика, халқ депутатлари бўлими Совети ижроия комитети савдо бошқармасидан ёки халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети савдо бўлимидан айтилган.

Билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Аминов Иброҳимов району, Бошқор қўчаси, 3-уй (4.9-трамвайлининг «Чупон ота» бекати, 13, 70-автобусларнинг «Тов медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекати). Телефон 78-44-30.

ОЛМАЛИК ШАҲРИДАГИ

41-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА

БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассислар бўйича

1984-85 йули йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

сувоқчи-беваси-плитначи, қўл пайванди бўйича электр пайвандовчи, қурилиш дурадгори, бригити ва қучли тармоқлар ва электр ускуналари бўйича электромонтер, дурадгори; қишлоқчи бўйича қишлоқчи қишлоқчи қишлоқчи, автомобиль ремонтчи бўйича слесарь. Ўқиш муҳдати — 3 йил; арматурачи-пайвандовчи, сувоқчи-беваси, гишт терувчи-монтажчи, автоматик контрол ва бошқариш приборлари ва аппаратлари бўйича слесарь-монтажчи. Ўқиш муҳдати — 2 йил; қўл пайванди электр пайвандовчи, қишлоқчи машинист. Ўқиш муҳдати — бир йил, бир йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқувчилар бепул овнат, формали кийим-бош, ётоқхона билан таъминланадилар.

Бир йил муҳдатда таълим олувчи ўқувчиларга стипендия тўланади. Улар шунингдек, ишлаб чиқариш практикасида ишлаган малаканинг 50 процентини мунофот тариқасида оладилар.

Витирувчиларга ўрта маълумот олгани ва мутахассислиги бўйича малака разряди берилиши ҳақида диплом топширилади.
Билим юрти битирувчилари фақат яхши ва аъло баҳолар олган тақдирда, билим юртини тугатган олий ўқув юртига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

«Алмалик-саноатстрой» ва «Алмалик-агрострой» трестлари объектларида мутахассислиги бўйича иш қилинади. Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор қўймага ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли нусхаси), турар жойидан справка, медицина справкиси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент обла-
сти, Олмалик шаҳри, Свердлов қўчаси, 3-уй (1, 2, 3, 6, 9, 11-авто-
буслар; 1,4 троллейбусларнинг «Комсомол» бекати). Телефон-
лар: 5-25-88, 5-28-78.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ТУПОҚШУНОСЛИК ВА
АГРОХИМИЯ
ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
лаборатория катта илмий
ходимлари: сугориладиган
тупроқ экологияси (хўжа-
лик шартнома ишлари бўй-
ича), химия ва оммавий ана-
лизлар;
лаборатория кичик илмий
ходимлари: микробиология
ва тупроқ биохимияси, агро-
химия ва тупроқ микроле-
ментлари (хўжалик шартно-
ма ишлари бўйича).

Конкурс муҳдати — 12
мартга.
Мурожаат учун адрес:
700109, Тошкент шаҳри,
Қаҳармон қўчаси, 3-уй. Те-
лефонлар: 46-09-50, 46-09-
45.

«Алмалик-саноатстрой» ва «Алмалик-агрострой» трестлари объектларида мутахассислиги бўйича иш қилинади. Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор қўймага ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома (асли нусхаси), турар жойидан справка, медицина справкиси (286-форма), 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент обла-
сти, Олмалик шаҳри, Свердлов қўчаси, 3-уй (1, 2, 3, 6, 9, 11-авто-
буслар; 1,4 троллейбусларнинг «Комсомол» бекати). Телефон-
лар: 5-25-88, 5-28-78.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хў-
жалиги ишлаб чиқариш-тех-
ника таъминоти давлат коми-
тети «Госкомсельхозтехника»
раёисининг ўринбосари Р. Ҳ.
Хусановга ўғли

Дониёр Расулматович
ХУСАНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия наҳор қи-
лади.

Республика фитизаторлар
жамияти ва Ўзбекистон ССР
Соғлиқни сақлаш министри-
гининг сиз касаллигининг
илмий-тадқиқот институти
коллективини институт киник-
сисининг беш врач, медицина
фанлари кандидати Р. Ш. Ҳам-
роқуллова акаси

Улмас
ШОКИРОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур таъзия наҳор қи-
лади.

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин қўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими — 33-21-43, 32-53-16,
32-53-20, 33-41-49, 32-54-43.

ХАВАСКОРЛИК
КОЛЛЕКТИВЛАРИ

«ЛОЛА» — НИДЕРЛАНДИЯДА

«...Биз олис Бухородан кел-
ган хаваскорлик ансамбли-
нинг аjoyиб концертларини
ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз.
Бундай гастроллар бизга Со-
ветлар мамлакатини яхшироқ
билиб олишимизда кўмаклаш-
моқда. Бу гастроллар давлат-
ларимиз ўртасида дўстлик ва
маданият муносабатларини мус-
таҳкамлаш ишига ҳисса қўш-
моқда...». Бухоро район мада-
ният уйининг «Лолалар» ашула
ва рақс ансамбли Нидер-
ландиядан келган мактубда
шундай сатрлар бор.

Яқиндагина халқ бадий
коллективи «Нидерландия —
СССР» жамиятининг тақдир
билан шу мамлакатда маҳмон
бўлди. Ун икки кун мобайни-
да Амстердам, Гаага ва бош-
қа шаҳарларнинг концерт зал-
ларида халқ куйлари, Ўзбе-
кистон ва қардош республи-
калар композиторларининг
асарлари янгради.

Ансамбль хаваскор артист-
лардан ўттиз беш кишини
бirlaштирган. Булар орасида
пактакорлар, механикаторлар,
сут соғувчилар, ўқитувчилар,
врачлар, хизмат кўрсатиш со-
ҳаси ходимлари бор. Тошма-
бинлар Барак Сафаров, Юсуф
Шукров, Нодира Абдуллаева
жиро этган Ватан, партия ҳа-
қиқати, сөрқувчи Ўзбекистон,
тиктилик ва дўстлик тўғрисида-
ги қўшиқларни марок бўлжа-
тиглаб, Махфуза Орифжўжа-
ева, Мукаррама Муродова,
Муҳаббат Саидова икросида-
ги рақсларни қизини кўтиб
оладилар.

Бадий коллектив Тошкент-
да, Самарқандда ҳам ўз ма-
ҳоратини намойиш этган. Ре-
спублика фестиваллари ва кон-
курсларида кўп марта қатна-
шди, совринлар олган.

(ЎзТАГ мухбири).

ЭЛ БОШИГА ИШ ТУНСА...

Бир неча ҳафтадирки, На-
манган областида — айниқса
Поп району территориясида
ер силкиниб турибди. Ўтган
шабаба кунни тонг оғарида эли-
зла 8 балл бўлганлиги қайд
этилди. Зилзила ўчоғи Янги-
сўй посёлкаси, Ҳўжаобод, Гу-
румсарой қишлоқларида эски
уйлар, мактаб, болалар боғча-
лари бирмунча шикастланди.

Шанба кунини ҳарорат анча
паст келди, қор ёғиб туриши-
га қарамай қўйлар, ҳовлилар-
нинг атрофи одамлар билан
гавжум бўлди. Райондаги бар-
ча ташиқлот ва хўжаликлар
иктиёрлариди бризент, ёғоч-
тахта, вагон уйчаларни бино-
ларнинг деворлари шикаст-
ланган, уй ичига кириб яшаш
мумкин бўлмаган ҳолатларга
тарқатиб берилди. Одам-
лар қор қорайганга қадар
ҳовли, кўча бўйларига чодир-
лар тикиб олишди. Вагончалар
ичига энг зарур буюмлар та-
шиб чиқилди. Уйларини таби-
ий офат четлаб ўтганлар ҳам
кўп. Улар бошпанасиз қолган
қўшиқларига ўз уйининг тўри-
дан жой беришляпти. Ҳўжа-
обод қишлоғида яшовчи нон
комбинати ишчиси Қодир Аб-
дурахмонов уйининг шифти
кўчиб тушибди, оиладаги сак-
кизи киши қолхоз берган бри-
зентдан чодир тикиётганда
ён қўшиқси Абдусаттор Жў-
раев келиб унинг қўнглини
кўтарди:

— Қўшни уйимизнинг бир
хосасини сизларга бўшатиб
қўйди. Кўчиб киришган. Бўш
ётган хоналар шундай оғир
дамларда қўшини учун яра-

маса, ундан не фойда, — де-
ди мулоимлик билан.

Зилзила қолдирган жаро-
хатларни кўздан кечириб ту-
риб, кўча бўйидаги бир вагон
уйчадан она алласини эшитди.
Унинг ёнидаги уйда эллик ёш-
лардан ошган аёл — 5-6
ишдан аслаган ўқоқда жи-
гарбандлари учун, овқат пи-
ширяпти.

ЗИЛЗИЛА СОДИР
БЎЛГАН ЖОИДАН
РЕПОРТАЖ

— Марҳамат, маҳмонлар,
дастурхонимизга, кўчада пи-
шган ошнинг мазасини тоғиб кў-
ринларинг кайфияти яхши, таби-
ий офат олдига руҳан эзи-
лишмаяпти. Негаки, партия ва
хўжалиқимиз уларни қийин аҳ-
волда қолдирмасликлариға
ишонедилар.

Ҳўжаободлар ҳўжаободига
кирдик. Оила бошлиғи 84 ёш-
ли Калонхон ота уй ичида 8
ойлик боланинг беланчагини
тебратиб ўтирган экан.

— Болаларим, ҳаётимда
бундай офатларнинг қўнғини
қўрқим, — дейди отахон. — Бун-
дай пайтда қариндош-уруғлар,
дўсти-биродарлар тезда етиб
келишади, ширин сўзлари бил-
ан ярангга малҳам бўлишади.
Эл бошига иш тушса, этик би-
нога суя кечади дейилган нақл-
нинг нақадар ҳаққонийлиги
гувоҳи бўлиб турибмиз.

Област партия, совет таш-

килотларининг раҳбарлари,
республика ҳўжалиқ вакил-
лари ҳам бу ерга етиб келишди.
Улар зилзиладан зарар кўрган
аҳолига зудлик билан ёрдам
бериш чора-тадбирларини
белгилашди. Қишқа муҳдатда
300 дан зиёд пел